

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИ
ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА
К Е Л И Ш У В**

2019 йил «31» июль

№ 01

Тошкент ш.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти (кейинги матнларда “Лизинг берувчи” деб юритилади) номидан Жамият устави асосида Бошқарув раиси А.И.Сулаймонов бир томондан, ва ўз Низоми асосида иш юритувчи “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” (кейинги матнларда “Ўзагроинспекция” деб юритилади) номидан Бошлиқнинг биринчи ўринбосари М.Р. Расулов, иккинчи томондан ушбу “Келишув”ни қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**Мазкур “Келишув”да фойдаланиладиган термин ва сўз бирикмалари
мазмуни:**

“Техника” – тракторлар, трактор тиркамалари, ўзи юрар машиналар, мелиоратив техникалар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги машиналари;

“Лизинг берувчи” ҳудудий филиаллари – “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари;

“Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмалари – “Ўзагроинспекция”нинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бошқармалари ва шаҳар, туман бўлимлари;

“Лизинг олувчи” – тракторлар, трактор тиркамалари, ўзи юрар машиналар, мелиоратив техникалар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги машиналарини лизинг шартномаси асосида лизинг муддати даврида эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан лизинг асосида сотиб олган қишлоқ хўжалик корхоналари (ёки бошқа корхоналар);

“Мулк ҳуқуқини бериш далолатномаси” – лизинг шартномаси тугатилиб, техникага бўлган мулк ҳуқуқини “Лизинг олувчи” номига ўтказилганлигини тасдиқловчи “Лизинг берувчи” томонидан расмийлаштирилган расмий ҳужжат;

“Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” – мазкур шартнома шартларига мувофиқ Техника лизинг асосида фойдаланиш ва эгалик қилиш учун “дастлабки лизинг олувчи”дан “янги лизинг олувчи”га ўтказилади.

I. Келишув моҳияти

1.1. Томонлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 567-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда техникаларни рўйхатдан ўтказиш ишларини самарали ташкил этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишдилар.

II. Лизинг асосида етказиб берилган техникаларни рўйхатдан ўтказишда томонларнинг ҳамкорликдаги вазифалари

2.1. “Лизинг берувчи” томонидан “Лизинг олувчи”га лизинг муддати даврида эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан лизингга етказиб берилган техникалар лизинг шартномаси шартлари ва ушбу “Келишув”нинг 2.2-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида “Лизинг олувчи” номига ариза берилган вақтдан бошлаб 5 кунлик муддат ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

2.2. “Лизинг берувчи” ҳудудий филиаллари томонидан “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бошқармаларига расмий хат билан техникани “Лизинг олувчи” номига рўйхатга олиниши бўйича техника, ишлаб чиқарувчидан олинган ва лизингга берилган санадан бошлаб 10 (ўн) кунлик муддатда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда муружаат этади:

- “Лизингга берувчи” томонидан ҳудуд бўйича лизингга берилаётган техникаларни рўйхати (олувчиси, русуми, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, двигеталь ва бошқа рақамлари кўрсатилган ҳолда);

- лизинг олувчининг аризаси;

- лизинг шартномаси нусхаси (1- ва охириги бетлари);

- лизинг олувчи билан лизинг берувчи ўртасида расмийлаштирилган “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;

- ишлаб чиқарувчидан берилган техник ҳужжатлар;
- олдин рўйхатдан ўтган бўлса давлат рақам белгиси ва техник паспорт, техник гувоҳнома;

- лизинг берувчи томонидан берилган ҳисоб-фактура (ёки юк хати (накладной) нусхаси;

- техникани рўйхатга қўйишда “Лизинг берувчи” томонидан “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бошқармаларига йиғим тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси”нинг нусхаси;

2.3. Техникаларга давлат рақами белгиси, техник паспорт, қишлоқ хўжалиги машиналарига гувоҳнома бериш ва бошқалар учун белгиланган миқдорда йиғимлар “Лизингга берувчи” томонидан марказлашган ҳолда “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари ҳисоб рақамига белгиланган тартибда тўлаб берилади ва томонлар ўртасида “Лизингга берувчи” томонидан ҳудуд бўйича лизингга берилаётган ҳамда тўлови тўланган техникаларни рўйхати (олувчиси, русуми, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, двигеталь ва бошқа рақамлари кўрсатилган ҳолда) тасдиқланиб, туман (шаҳар) бўлимларига юборилади. “Ўзагроинспекция”нинг туман бўлимлари шу асосда рўйхатга олади.

2.4. 2019 йилдан бошлаб лизингга етказиб берил(ади)ган барча турдаги техникаларга давлат рақами белгиси ҳамда техник паспорт олиш ва қишлоқ хўжалиги машиналарига гувоҳнома олиш учун ушбу “Келишув”нинг 2.3-бандида қайд этилган йиғимлар “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмалари махсус ҳисоб рақамларига “Лизинг берувчи” ва “Лизинг олувчи” ўртасида тузилган лизинг шартномасига асосан тўлаб берилади.

2.5. Техникани техник кўриқдан ўтказиш учун тўланадиган йиғимлар лизинг шартномаси шартларига мувофиқ “Лизинг олувчи” томонидан “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмаларига ўз маблағи ҳисобидан тўлаб берилади.

2.6. Лизингга берилган техникаларни “Лизинг олувчилар” номига расмийлаштирилади, лизинг муддати даврида учинчи шахсларга сотиб юборилишининг олдини олиш мақсадида “Ўзагроинспекция”нинг худудий бўлинмалари томонидан Техника воситасининг техник паспорти (гувоҳномаси)га “Лизингга берувчи” номидан “**таъқиққа олинган**” ёзувлари киритилади.

Лизинг тўловлари тўлиқ тўланиб, топшириш-қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилиши таъқиқдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2.7. “Ўзагроинспекция”нинг худудий бўлинмалари томонидан техникалар учун расмийлаштирилган техник паспортлар (гувоҳномалар)нинг асл нусхаси “Лизинг олувчилар”га, нусхаси эса “Лизинг берувчи”нинг худудий филиалига берилади.

2.8. 2006-2013 йилларда “Лизинг берувчи” номига рўйхатга олингани ҳолда лизинг шартномаси тугатилиб, мулк ҳуқуқи ўтказилган техникалар “Лизинг берувчи” номидан рўйхатдан чиқарилиб, “Лизинг олувчилар” номига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан рўйхатга қўйилади.

Бунда, мазкур техникаларни “Лизинг берувчи” номидан рўйхатдан чиқарилишини сўраб “Лизинг берувчи”нинг худудий филиали томонидан техника мулк эгалигига топширилган санадан бошлаб 5 (беш) кунлик муддатда «Ўзагроинспекция»нинг худудий бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- техникани “Лизинг берувчи” номидан рўйхатдан чиқарилишини сўраб ёзилган мурожаат хати;

- лизинг шартномаси нусхаси (1- ва охириги бетлари);

- лизинг олувчига берилган “Мулк ҳуқуқини бериш далолатномаси” нусхаси;

- техниканинг техник ҳужжатлари (ушбу ҳужжатни асл нусхаси “Давтехназорат”га аввалги рўйхатга қўйишда тақдим этилганлиги сабабли талаб қилиб қайтариб олинади ва янги рўйхатга қўйиш учун қайта тақдим этилади);

- “Лизинг берувчи” томонидан “Ўзагроинспекция”нинг худудий бўлинмаларига рўйхатдан чиқариш йиғими тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси” нусхаси.

2.9. 2006-2013 йилларда “Лизинг берувчи” номига рўйхатга олингани ҳолда лизинг шартномаси тугатилиб, мулкка эгалик ҳуқуқи берилган техникаларни рўйхатдан чиқариш йиғими “Лизинг олувчи” томонидан “Низом”да кўрсатилган миқдорларда тўлаб берилади.

Рўйхатдан чиқарилган тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарнинг давлат рақами белгилари “Ўзагроинспекция”нинг туман бўлимларига топширилади.

2.10. Техникани “Лизинг олувчи” номига мулк ҳуқуқи асосида рўйхатдан ўтказиш “Ўзагроинспекция”нинг худудий бўлинмалари томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.11. 2006-2013 йилларда “Лизинг берувчи” номига рўйхатга олинган техникаларга берилган давлат рақам белгиси, техник паспорт (гувоҳнома) йўқотилган тақдирда, унинг ўрнига янгисини олиш учун “Лизинг олувчи” томонидан “Ўзагроинспекция”нинг худудий бўлинмаларига белгиланган миқдорда йиғим тўлаб берилади.

2.12. “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” шартларига мувофиқ техника “дастлабки лизинг олувчи”дан “янги

лизинг олувчи” номига ўтказилганида, ушбу Техникани “дастлабки лизинг олувчи” номидан рўйхатдан чиқариш (шу жумладан, жорий йил бўйича техник кўриқдан ўтказиш) харажатлари “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмаларига “янги лизинг олувчи” томонидан тўлаб берилади.

Бунда белгиланган миқдорда йиғимлар ундирилади.

2.13. “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси”га мувофиқ техникани “янги Лизинг олувчи” номига рўйхатга олишни ташкил этишда “Лизинг берувчи” ҳудудий филиали томонидан “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- “Лизинг олувчи” томонидан техникани ўз номига рўйхатга олиниши сўраб “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмаларига ёзган аризаси;

- техник паспорт ёки техник гувоҳнома, давлат рақам белгиси (давлат рақам белгиси ўзгартирилса);

- техниканинг техник ҳужжатлари (ушбу ҳужжатни асл нусхаси “Давтехназорат”га аввалги рўйхатга қўйишда тақдим этилганлиги сабабли талаб қилиб қайтариб олинади ва янги рўйхатга қўйиш учун қайта тақдим этилади);

- “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” нусхаси;

- “Лизинг берувчи”, “дастлабки лизинг олувчи” ва “янги лизинг олувчи” ўртасида расмийлаштирилган “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;

- техникани “дастлабки лизинг олувчи” номидан ҳисобдан чиқариш ва “янги лизинг олувчи” номига қайта рўйхатга қўйиш бўйича «Ўзагроинспекция»нинг ҳудудий бўлинмаларига йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси.

2.14. Суд қарори асосида “Жавобгар - лизинг олувчи”дан қайтариб олинган техникалар (агар, техника мазкур “Лизинг олувчи” номига расмийлаштирилган бўлса) учун ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда ушбу техникани “янги лизинг олувчи” номига рўйхатга қўйиш харажатлари (давлат рақам белгисини ва техник паспорт ҳамда бошқалар) “Лизинг берувчи” талабига асосан “Янги лизинг олувчи” томонидан лизинг шартномаси шартлари асосида ўз маблағи ҳисобидан тўлаб берилади.

2.15. Суд қарори асосида ва белгиланган тартибда қайтариб олинган ҳамда лизингга қайта расмийлаштирилаётган барча турдаги техникаларни “янги Лизинг олувчи” номига рўйхатга олишни ташкил этишда “Лизинг берувчи”нинг ҳудудий филиали томонидан “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- “янги лизинг олувчи” томонидан техникани ўз номига рўйхатга олиниши сўраб “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмаларига ёзган аризаси;

- техник паспорт ёки техник гувоҳнома, давлат рақами белгиси (давлат рақами белгиси ўзгартирилса);

- техниканинг техник ҳужжатлари (ушбу ҳужжатни асл нусхаси “Ўзагроинспекция”га аввалги рўйхатга қўйишда тақдим этилганлиги сабабли талаб қилиб қайтариб олинади ва янги рўйхатга қўйиш учун қайта тақдим этилади);

- суднинг “дастлабки лизинг олувчи” билан тузилган лизинг шартномасини бекор қилиш ва техникани қайтариб олиш тўғрисидаги қарори нусхаси ёки тарафлар ўртасида тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида қўшимча келишув нусхаси;

- “янги лизинг олувчи” билан тузилган лизинг шартномаси нусхаси (1-чи ва охириги бетлари);

- “Лизинг берувчи” ва “янги лизинг олувчи” ўртасида расмийлаштирилган “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;

- техникани “дастлабки лизинг олувчи” номидан ҳисобдан чиқариш ва “янги лизинг олувчи” номига рўйхатга қўйиш бўйича «Ўзагроинспекция»нинг худудий бўлинмаларига йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси” нусхаси.

Техникани “дастлабки лизинг олувчи” номидан ҳисобдан чиқариш (шу жумладан, жорий йил бўйича техник кўриқдан ўтказиш) харажатлари “Ўзагроинспекция”нинг худудий бўлинмаларига “янги лизинг олувчи” томонидан тўлаб берилади.

2.16. 2014-2017 йиллар мобайнида лизинг шартларида етказиб берилган техникаларни рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш мақсадида “Лизинг берувчи”нинг худудий филиали томонидан “Лизинг олувчи”нинг юридик манзилига “Талабнома хати” юборилади.

Талабнома хатида, лизинг шартномаси талабига мувофиқ техникани “Лизинг олувчи” томонидан «Ўзагроинспекция»нинг худудий бўлинмаларида 10 кунлик муддат ичида рўйхатга қўйилишини таъминлаш талаб этилади.

2.17. Талаб “Лизинг олувчи” томонидан ижро этилмаган тақдирда “Лизинг берувчи”нинг мурожаат хати асосида техникани рўйхатдан ўтказишни (шу жумладан, рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлашни) талаб этиш «Ўзагроинспекция»нинг худудий бўлинмалари томонидан ўз ваколати доирасида амалга оширилади.

III. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 567-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сонли қарори ва ушбу “Келишув” асосида белгиланади.

3.2. Мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бўйича жавобгар ҳисобланадилар.

IV. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган меъёрлар даражасида белгиланади.

4.2. “Лизинг берувчи” техникани ҳар йилги мажбурий техник кўриқдан “Лизинг олувчи” томонидан ўз вақтида ўтказилмаганлиги ва бунинг учун белгиланган йиғимларни тўланмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

4.3. “Лизинг берувчи”, “Лизинг олувчи” билан ўзаро лизинг шартномасида техника мажбурий техник кўриқка “Лизинг олувчи” томонидан тақдим этилиши, йиғимларни тўлаши ва тартиблар бузилганда қонунчиликда белгиланган

жарималарни тўланишини қайд этади.

4.4. Белгиланган тартиблар бузилганда, қонунларда белгиланган миқдордаги жарималар “Лизинг олувчи” томонидан тўланади.

4.5. “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бўлинмалари томонидан огоҳлантириш берилишига қарамасдан давлат рўйхатидан, техник кўриқдан ўтказиш тартибларини бузган “Лизинг олувчи”лардан техникалар “Ўзагроинспекция”нинг расмий хатига асосан “Лизинг берувчи” томонидан қайтариб олинади.

V. Низоларни ҳал этиш

Ушбу “Келишув”ни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низолар ўзаро келишув асосида ҳал этилади, агар ўзаро келишиш имкони бўлмаса у ҳолда, мазкур низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.

VI. “Келишув”нинг амал қилиш муддати

“Келишув”, томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўртасида уни бекор қилиш тўғрисида ўзаро келишувга эришилмаганга қадар бўлган муддатда амал қилади.

VII. Бошқа шартлар

7.1. “Лизинг берувчи” ва “Ўзагроинспекция” ўртасида тузилган мазкур “Келишув” Ўзагроинспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари ва “Лизинг берувчи”нинг ҳудудий филиаллари томонидан бажарилиши учун мажбурийдир.

7.2. Ушбу “Келишув”га барча қўшимча ва ўзгартиришлар, фақат улар ёзма шаклга эга бўлса ва ҳар икки тарафдан имзоланган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.

“Келишув” давлат йиғимларини ҳисоблаш тартиби ва коэффицент миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ўзгартириладиган бўлса, томонлар янгидан белгиланган миқдордаги йиғимлар асосида давом эттиришлари мумкин.

Бу ҳолатда “Келишув”га қўшимча ўзгартиришлар киритилиши шарт эмас.

7.3. Мазкур “Келишув” икки нусхада тузилган бўлиб, биттаси - “Лизинг берувчи”да, иккинчиси - “Ўзагроинспекция”да сақланади ва бу нусхалар бир хил юридик кучга эга.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Лизинг берувчи”

“Ўзагролизинг” АЖ

х/р 20210000904021251001

АТБ “Агробанк”

МФО 00394, СТИР 203071206

ОКЭД 64910

Бошқарув раиси

А.М. Сулаймонов

Юрист

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Агросаноат мажмуи устидан назорат

қилиш инспекцияси

СТИР 305 540 954

ш. х/р 23402 000 300 100 001 010

ЎР. Молия вазирлиги ғазначилиги

Марказий банк Тошкент ш.ББ ХККМ

СТИР 201 122 919, МФО 00014

Бошлиқнинг биринчи ўринбосари

М.Р. Расулов

